

А Ж Р И М

2021 йил июнь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, Бухоро шаҳар ИИО ФМБ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Шаропов, судья ёрдамчиси Б.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Эргашевнинг иштирокида, гумон қилинувчи Қурбонов Мирфайз Абдувалижоновичга оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қурбонов Мирфайз Абдувалижонович (Qurbonov Mirfayz Abduvalijonovich) - 1997 йил 08 апрель куни Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Бухоро Давлат университети 1-босқич талабаси, Бухоро шаҳар Шербудин кўчаси 7-муъолиш 1-уй 1-хонада истиқомат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан гумон қилинган.

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Қурбонов Мирфайз Абдувалижонович 2021 йил 27 апрель куни тахминан соат 08 ларда Бухоро шаҳар М.Иқбол кўчасида жойлашган Бухоро Давлат университетининг ҳовлисида таниши Рахимов Санъат Соҳиб ўғли билан ўрталарида олдиндан бўлган келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, жанжал вақтида кўлини мушт қилиб, С.Рахимовнинг бош, кўз, пешона соҳаларига уриб, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2021 йил 01 июндаги суд-тиббий экспертизаси 598-Т-сонли хулосасига кўра, С.Рахимовга бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап кўз соҳасида қон қуйилиши, пешона соҳасида шилинма каби оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа, олти кундан ортиқ, аммо йигирма кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Қурбонов Мирфайз Абдувалижонович, ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, таниши Рахимов Санъат билан интернетда ўзаро келишмай қолганлигини, сўнг 2021 йил 27 апрель куни Бухоро Давлат университети ҳовлисида учрашиб, ўзаро жанжал қилишганлигини, жанжал вақтида, С.Рахимовни уриб, тан жароҳати етказганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи С.Рахимовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, унга жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инobatга олиб, жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўради.



Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Рахимов Санъат Соҳиб ўғли, таниши Қурбонов Мирфайз билан ўзаро келишмоай қолганлигини, 2021 йил 27 апрель куни улар Бухоро Давлат университети кўришиб қолишганлигини, шунда иккаласи жанжал қилганлигини, жанжал вақтида, М.Қурбонов унинг бош, пешона, кўзи ва баданининг бошқа соҳаларига уриб, енгил тан жароҳати етказганлигини, М.Қурбонов етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирги кунда унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини инобатга олиб, М.Қурбоновга оид жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди ва судга бу ҳақдаги аризасини тақдим қилди.

Суд, жиноят иш хужжатлари, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг М.Қурбоновга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги хулосасини эшитиб, гумон қилинувчини ўз айбига иқрорлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини ва етказилган зарарни бартараф этилганлигини, ярашув ихтиёрийлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига асосан, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, гумон қилинувчини жинойий жавобгарликдан озод этишни ва жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси 5-қисми талабларини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан Қурбонов Мирфайз Абдувалижоновичга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида, гумон қилинувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида мазкур суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ажрим апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга киргандан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

Н.Шаропов

Нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи

Н.Шаропов

